

## КУМУШХОНАВИЙ ТАСАВВУФИ МЕРОСИННИГ МАЊНАВИЯТНИ ЮҚСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Гуламова Мавжуда Тошпўлатовна  
кимё фанлари номзоди, доцент,  
Бухоро давлат тиббиёт институти  
(Ўзбекистон)  
E-mail: [gulamovamavjuda@mail.ru](mailto:gulamovamavjuda@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Накшбандия-холидия тариқатини Туркияда кенг тарқалишига сабабчи бўлган шайх Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг тасаввуфи хаёти ва мањнавий мероси ўрганилгани, мутасаввиф Кумушхонавий устози Арводийдан иршод олгани, унга нақшбандия, қодирия, сухравардия, кубравия, шозилия, ҷаштия, мавлавия тариқатларига ижозат бергани келтириган.

Кумушхонавийнинг бир юз ўн олти кишига иршод берган. Унинг миллиондан ортиқ муридлари бўлгани келтирилган. Кумушхонавийдан олтмишга яқин тасаввуф, ҳадис, фиқҳ, сарф, наҳв ва бошқа мавзуларда араб тилида ёзилган илмий-қимматли мањнавий мерос қолган.

**Калит сўзлар:** Қуръони карим, Ҳадиси шариф, “Силсилаи шариф” “Олтин занжир” тасаввуф, Нақшбандия, Холидия, тариқат.

## ДУХОВНОСТЬ МИСТИЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ КУМУШХАНАВИ ЗНАЧЕНИЕ В МОДЕРНИЗАЦИИ

Гуламова Мавджуда Тошпулатовна  
кандидат химических наук, доцент  
Бухарский государственный медицинский институт, Узбекистан  
E-mail: [gulamovamavjuda@mail.ru](mailto:gulamovamavjuda@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

В статье исследуется мистическая жизнь и духовное наследие шейха Ахмада Зиёуддина ал-Кумушханави, руководившего распространением тарикате Накшбандия-халидия в Турции. Говорят, что суфий Кумушханави получил руководство от своего учителя Арвади, который позволил ему практиковать тарикате Накшбанди, Кадиря, Сухравардия, Кубравия, Шозилия, Ҷаштия и Мавлави.

Кумушхонави дал руководство ста шестнадцати людям. Существует около шестидесяти научных и духовных наследий, написанных на арабском языке по мистике, хадисам, юриспруденции, расходам, грамматике и другим темам.

**Ключевые слова:** Священный Коран, хадисы, Силсила Шариф, Золотая цепь, суфизм, накшбанди, халидия, тарикат.

## SPIRITUALITY OF THE MYSTICAL HERITAGE OF KUMUSHKHANAVI SIGNIFICANCE IN MODERNIZATION

**Gulamova Mavjuda Toshpulatovna**

Candidate of Chemical Sciences, Associate Professor,

Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan

E-mail: [gulamovamavjuda@mail.ru](mailto:gulamovamavjuda@mail.ru)

### ABSTRACT

The article explores the mystical life and spiritual heritage of Sheikh Ahmad Ziyuddin al-Kumushkhanavy, who led the spread of the Naqshbandi Khalidiya tariqa in Turkey. It is said that Sufi Kumushkhanavy received guidance from his teacher Arvadi, who allowed him to practice the Nakshbandi, Qadiriya, Suhravardiya, Kubravia, Shoziliya, Chashtiya and Mavlavi tariqas.

Kumushkhanavy gave guidance to one hundred and sixteen people. There are about sixty scientific and spiritual legacies written in Arabic on mysticism, hadith, jurisprudence, expenses, grammar and other topics.

**Keywords:** Holy Quran, Hadith, “Silsilai Sharif”, “Golden Chain”, Sufism, Nakshbandi, Khalidiya, tariqa.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш учун, ўтказилган давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, деб айтганлар[1].

Маънавий бағрикенг кишилар тимсоли сифатида, хозирги кунда дунё бўйлаб кенг тарқалган нақшбандия тариқати асосчиси, Бухоройи Шарифда яшаб ўтган ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва шу тариқатни давом эттирган тасаввуф

намояндалари ҳисобланадилар [2:3]. Уларнинг узок умр кўришлари, илм ўрганишлари, соғлом бўлишлари, саховатпешаликлари, омма билан яхши муносабатда бўлишлари, ҳар бир ишга Аллоҳга таваккул қилишлари, улардаги маънавий бағрикенглик сифатларидир.

Нақшбандия таълимотини буюк намояндалардан бири “Силсилаи шариф” “олтин занжир”да 32 - ҳалқанинг пири муршиди Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавий мана шундай бағрикенг инсонлардан ҳисобланадилар [3:28].

Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавий ҳижрий 1228 (милодий 1813) йилда Рум диёри ҳозирги Туркияниг Кумушхона шахрининг “Амирлар” маҳалласида бой хонадонда дунёга келган, аждодлари Бухорои Шарифдан бўлган. Оталари солих инсон бўлиб, тижорат билан шуғулланган. Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавий беш ёшида ўқишни бошлаб, саккиз ёшида Қуръони каримни ёд олиб, “Хофизи Қуръон” бўлган, “Далоили хойрот”, “Қасидаи Бурда” ва “Ҳизбул Аъзам” каби китобларни қироат қилишга устозлардан руҳсат олган [4:302].

Олийҳимматли, сергайрат, иродали, қатъий хулқ соҳиби бўлмоқ илм талаб қилишда зарур бўлган инсоний фазилат ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бу гўзал сифатлар Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийда намоён бўлган.

Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавий ўн ёшида отаси Қора денгиз атрофидаги шаҳарлардан бири Турабзонга ҳижрат қиласди. У ердаги пешқадам олимлардан олат (балогат), сарфу нахв, маъоний (адабиёт, бадиият) ва мантиқ билимларини, ҳамда шариат илмларини ўргана бошлайди. Ёш бўлишига қарамай, дўконда отасига ҳам ёрдам бериб, бир томондан илоҳий ишқ ва шавқ билан илм таҳсилига сайъ ва ғайрат қиласди эди, аммо мақсади кўпроқ илм олишда эди.

Ёшлигига ҳалол пул топишга ҳаракат қилиб, ўз қўллари билан ҳамён

тўқиб сотган ва топган пулларини илм излаш йўлида сарфлаган. 18 ёшларида амакиси билан Истанбулга келиб, отаси учун керакли тижорат молларини олиб, амакиларига топширадилар ва бундай дедилар: “Мухтарам амакижон, мен шу лаҳзада илм ва маърифат шахри бўлган Истанбулда турганимдан улуг бир саодат ва баҳтиёрлик оғушидаман. Мен учун илм ва маърифатни қўлга киритиш ҳамма нарсадан ортиқ туради. Зинҳор мендан ражиб, хафа бўлманг. Вақтида, келажакда керак бўлади деб, ўз қўлим билан ҳамёнлар тўқиб, уларни сотиб, бир қанча пул йиққан эдим. Ўзимда ҳеч нарса қолдирмасдан, буларни ҳам сизга топшириб, отамга жўнатаман” [4:302].

Ибодат билан ҳалол қасб қилиш Қуръон каримнинг бир неча жойида зикр қилинган. “Бас, намоз тугагандан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг ва Аллоҳни кўп эсланг, шоядки, ютуқка эришсангиз” (Жумъа сураси 10 – оят) [5:143].

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам таъқидлаганларидек: “Энг яхши касб – киши ўз қўли билан касб қилиши ва ҳар бир яхши савдо” (Рофеъ ибн Хадиж разияяллоҳу наҳу ривоят қилинади. Имом Аҳмад ривоятлари) [6].

Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийнинг бағрикент инсон бўлганликларини ифодаловчи далиллардан бири, бу улуғ зот пайғамбаримизнинг юқорида келтирилган ҳадисларига амал қилиб, ўз қўллари билан тўқиган ҳамёнларини сотиб топган пуллардан бир тийин ҳам сақламай оталарига берганлариdir.

Аҳмад Зиёуддин ал - Кумушхонавий мукаммал илми сабабли - илм талабида бўлган кишиларга исломий дарс берувчи уламо вазифасига тайинланди. Шариат илмларини мукаммал ўрганиб, тасаввуф ва тариқат соҳасида шайх Аҳмад Зиёуддин Арводийдан дарс олиб камол топди. Шайх Кумушхонавийга пири муршиллари 240 та асарни ўқитиш ва ўргатиш вазифасини топширган. Кумушхонавий энг буюк саховат илм тарқатиш эканлигини қалбларидан англаб, толиби илмларга ўз илмларини холис ўргатганлар. Ҳозирги кунда ҳам олим Зиёуддин Аҳмад Кумушхонавийнинг энг машҳур асарларидан ислом аҳли фойдаланиб келаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир [7:175]:

1. “Жомиъул - усул Фий - л - авлиёи ва анвоиҳим”. Асар номи четига: “Асуфийяту ва фавоиди соир” деб қайд этилган. Ҳозир турк тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

2. “Жомиъ ул-мутун фий ҳаққи анвоис- сифатил илохиййа вал - ъақоидил - Мотуридийя ва алфозил куфри ва тасдиқил- аъмалил - ъажибиййа”. (“Аллоҳ таолонинг анвойи исм сифатлари. Мотуридия эътиқоди, куфр сўзлар баёни ва амалларнинг дуруст бажарилмоғи ҳақида матнлар тўплами”). Турли нашрлари мавжуд. Ўзбекистонда 2000 йил Тошкент, “Мавароуннаҳр” нашриётидан Мирзо Кенжабек таржималари асосида чоп этилган.

3. “Ромузул - аҳодис ъала тартиби хуруфил ҳижо”(“Ҳадислар денгизи”). Турли нашрлари мавжуд. Ўзбекистонда 2007 йил “Мавароуннаҳр” нашриётидан Баҳриддин Умрзоқ таржимаси асосида чоп этилган.

4. “Мажмуатул аҳзоб” (“Катта дуо ва зикр”). Ўзбекистонда 2014 йили “Шарқ” нашриётидан бир гурӯҳ таржимонларимиз томонларидан, ҳазрат Кумушхонавийнинг 2000 саҳифалик китобларидан саралаб олинган энг зарурий дуолар китоби чоп этилди.

5. “Ҳадиси арбаъийн” (“Қирқ ҳадис”). Сулаймония кутубхонасида қўлёзма нусхаси сақланади.

6. “Ғароиб ул аҳодис”. Турли нусхалари бор.

7. “Нажот ул ғофилийн”. Бир нечта нашрлари мавжуд.

Шу сабабли шайх Кумушхонавийнинг муридларининг сони миллиондан ортиқ бўлган. Бу сифатлар у кишида бўлган бағрикенгликни қирраларидан бирини кўрсатади.

Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийнинг бағрикенглик сифатларидан бири сифатида таъкидлаш жоизки, илм олувчилар, китобхонлар сонини кўпайтириш, халқ маънавиятини юксалтириш мақсадида босмахона қурдириб, илмий китобларни илм толибларига бепул тарқатганлар [8:9].

Мутасаввуф олим нафақат илм олиш, одоб-ахлоқ соҳасида, балки халқни иқтисодий томондан қўллаб қувватлаш соҳасида ҳам анча хизмат қилган. Бунга далил табаррук зотнинг фоизсиз банк ташкил қилиб, муҳтоҷ бўлганларга ҳожатларини қопладиган миқдорда қарз бердириб, қулай шартлар асосида имкониятлари бўлганда қарзини тўлаш учун шароитлар яратиб берганлариdir [4:305].

Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийнинг маънавий бағрикенг инсон эканлигини кўрсатувчи далиллар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ҳалол меҳнат билан топган дароматларини холис эҳсон қилишлари.
2. Муқаммал илмни ўрганиб, толиби илмларга холис ўргатиши.
3. Босмахона қурдириб, илмий китобларни нашр этиб илм толибларига бепул тарқатиши.
4. Фоизсиз банк қурдириб, халқни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-куватлагани.
5. У кишининг амалга оширган илмий меҳнатлари кўлами шу даражада кенг бўлганки, бу ишларни бажаришда кимларнингдир, хаттоки умри етмаган бўлур эди.

Хулоса қилиб айтганда, Кумушхонавийнинг ижтимоий-фалсафий, тасаввуфий қарашларининг узвий таркибий қисми ва шу билан бирга, уларнинг юксак натижаси бўлмиш бағрикенг инсон ғояси моҳиятан шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган. Ёшлиаримизни маънавий бағрикенглик руҳида тарбиялашда Аҳмад Зиёуддин ал – Кумушхонавийнинг ҳаётлари ибрат мактаби бўлиши, табиий.

Дарҳақиқат, аждодларимизнинг маънавий меросидаги ҳикматли ҳикоялар, саховатпешалик, бағрикенглик, савобли хайрия ишлар маънавий комилликка интилиш, фарзандларни иймон-эътиқодли қилиб тарбиялашда зарур деб ҳисоблаймиз.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI: (REFERENCES)

1. <https://qalampir.uz/news/prezident-ma-naviyatni-yuksaltirish-buyicha-yigilish-utkazdi-31829>

2. Г.Н.Наврўзова Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: “Фан”, 2005. Т.: 63 б.
3. Гуламова М.Т. Мушку анбар ҳидли валоят ғунчаси - Зиёуддин Аҳмад ал-Кумушхонавий. Журнал. Имом Бухорий сабоқлари 2020. №2. 28 б.
4. Зиёуддин Аҳмад Ал-Кумушхонавий, таржимон Мирзо Кенжабек, Жомеъ ул-мутун. Т.:Мовароуннаҳр; 2000й. 302 б.
5. Қуръони карим. Тафсири ҳилол. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Т.; “Шарқ”, 6 том 2008. 143 б.
6. <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/z huma-mav-izalari/item/17748-29-11-2019-j-alol-kasb-baraka-kaliti>.
7. Гуламова М.Т. Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий ҳаёти ва маънавий мероси //“Buxoro islom madaniyatini modernizatsiyalash va turizmni barqaror rivojlantirish istiqbollari” Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman Buxoro, 2020 yil 24-fevral, 173-175 b. (Ahmad Ziyoudin Kumushkhonavi’s Life and Spiritual Heritage)
8. Гуламова М.Т. “Силсилаи шарифдаги пири комил - Зиёуддин Аҳмад ал - Кумушхонавий” “Жаҳон маданий цивилизацияси контекстида хожагон, нақшбандия тасаввуфий таълимотлари илмий маънавий меросининг умумбашарий аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2 - китоб, Навоий: 2019 й.9 б.